

СЎТБОШИ

1. ИШЛАБ ЧИКИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

• Тошкент архитектура-қурилиш институти.

• "Ўзбекистон Республикаси" ДУК

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2. ТАСДИҚ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
қўриқлаган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўриқлаган буйича
қўриқлаган буйича қўриқлаган буйича қўриқлаган буйича қўриқлаган буйича
қўриқлаган буйича қўриқлаган буйича қўриқлаган буйича қўриқлаган буйича
қўриқлаган буйича қўриқлаган буйича қўриқлаган буйича қўриқлаган буйича


3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5340100 - Архитектура (турлари бўйича)

бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент архитектура-қурилиш институти.

- “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5340100 - Архитектура (турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси	4
1.2. 5340100 - Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
2. 5340100 - Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.2. 5340100 - Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари	6
3. 5340100 - Архитектура (турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.2. 5340100 - Архитектура (турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	10

1. 5340100 - Архитектура (турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5340100 - Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилди.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4,5 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5340100 - Архитектура (турлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масбул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5340100 - Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5340100 - Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5340100 - Архитектура (турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши – фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, архитектура қурилиш соҳасида, бино ва иншоотлар лойиҳаларини яратиш, объектларни барпо этиш,

транспорт тизимларини лойиҳалаштириш, шаҳар қурилиши ва ҳўжалик корхоналарини, биноларни қайта таъмирлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ мажмуий масалаларни ечиш, ушбу йўналишдаги мутахассисларни тайёрлашдаги инсон фаолияти, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини ўз ичига олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5340100 - Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– бино ва иншоотлар, бино ва иншоотлар интерьерлари, бинолар мажмуаси ва худуди, шаҳарлар, шаҳарларнинг агломерациялари ва бошқа аҳоли яшайдиган ҳудудлар ва улар ҳақидаги баҳолаш мезонлари, тушунтириш хатлари, уларнинг график ва ҳажмий тасвирлари.

5340100 - Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- лойиҳалаш асослари,
- архитектура тарихи ва назарияси,
- шаҳарсозлик, инженерлик тармоқлари,
- қурилиш технологиялари,
- қишлоқ ҳудудларига оид турар жой жамоат ва саноат бинолари;
- ландшафт лойиҳалаш;
- қурилиш конструкциялари,
- турар жой, жамоат ва саноат бинолари
- архитектуравий ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта тиклаш.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.3. 5340100 - Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий–тадқиқот;
- лойиҳа–конструкторлик;
- ишлаб чиқариш–технологик;
- таъкилий–бошқарув;
- педагогик (ўрта махсус, касб–ҳунар таълими тизимида).

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб–ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5340100 - Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

– 5A340101 – Бино ва иншоотлар архитектураси, 5A340102 - Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш, 5A340103 - Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш, 5A340104 - Ландшафтлар

архитектураси магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5340100 - Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгилловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумқасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш укуви ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5340100 – Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- архитектура соҳасида шаҳар ҳудудини таҳлил қилиш, бино ва иншоотлар лойиҳаларини яратиш, транспорт тизимларини лойиҳалаштириш, биноларни қайта таъмирлаш билан боғлиқ мажмуий масалаларни ечиш, ушбу йўналишдаги мутахассисларни тайёрлашдаги инсон фаолияти, усуллари ва услубларининг мажмуасини яратиш;

- республика ва хорижда чоп этилган архитектура соҳасига оид илмий-техник ахборотларни ва илмий манбаларини ўрганиш, илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

- интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик ва технологик ютуқлар ҳақида маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш, топиш ва фойдаланиш;

- илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Лойиха-конструкторлик фаолиятида:

- бино ва муҳандислик иншоотларини лойиҳалаш, модернизация, шаҳар худудини ободонлаштириш, транспорт инфраструктураси ва бошқаларни таҳлил этиш ва танлаш;

- бажарилаётган лойиха-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича инфор­мацион технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш

- бино ва иншоотлар лойиҳалари ва техник ҳужжатларни вазифалар, стандартлар, меъёрлар, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатларига мувофиқ келишини таъминлаш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятда:

- қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга ошириладиган худудларни қурилишга тайёрлаш;

- ишчи лойиҳаларни тайёрлаш;

- бино ва иншоотлар конструкциясини лойиҳалашда компьютерлардан фойдаланиш;

- қурилиш материаллари ва конструкциялари сифатини аниқлаш;

- бино ва аҳоли турар-жойлари муҳандислик тизимларини лойиҳалаш;

- бинолар, уларнинг юк кўтарувчи ва тўсувчи элементларини лойиҳалаш;

- шаҳар аҳолиси сонини ҳисоблашда меҳнат баланси усулидан фойдаланиш;

- шаҳар худуди балансини ҳисоблаш;

- турар-жой майдони ва хонадонлар сони эҳтиёжини ҳисоблаш;

- технологик жараёнларда илмий ишланмалардан фойдаланиш;

- лойиҳалашда талаб ва тақлифлар назариясидан фойдаланиш;

- технологик харита тизимида лойиҳа ҳужжатларидан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;

- айрим конструкцияларни мустаҳкамликка ва чидамликка ҳисоблаш;

- техник схемаларни, чизмаларни, эскизларни бажариш ва ўқиш;

- конструкция материалнинг умрбоқийлиги ва ишончилигини ошириш;

- бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш борасида меъёрий-маъмурий ҳужжатларни тузиш;

- шаҳарсозлик ҳимоя чора-тадбирларини ҳисобга олган ҳолда муҳандислик-шаҳарсозлик ечимларини техник-иқтисодий баҳолаш;

- ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

-e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоротив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоротив маълумотлар базасини ривожлантириш;

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- инфор­мацион технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- меъморий ва муҳандислик ечимларини амалиётга тадбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар-хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- меъморий, муҳандислик ёки ишлаб чиқариш жамоаси ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Педагогик фаолиятида (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):

- ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;
- интернет тармоғида ўқитиладиган фанлардан энг янги дарслик ва ўқув материалларини қидириш, топиш ва ўқув жараёнига тадбиқ қилиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитиладиган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитиладиган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

3. 5340100- Архитектура (турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5340100-Архитектура (турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий илмий фанлар;
- умумкасбий фанлар;
- ихтисослик фанлар;
- кўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир каторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир канча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар **Гуманитар ва табиий илмий фанлар блоки бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

табиий илмий фанлар бўйича:

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

чизма геометрия, фазовий шаклларни текисликда тасвирлашнинг проекциялар методи, муҳандислик графикаси ва лойиҳалаш асослари;

архитектура ашёларининг таркиби, структураси, хоссалари ва уларни тайёрлашда энергия ва ресурстежамкор, экологик ҳавфсиз технологиялари;

инсон ҳаёти фаолияти ҳавфсизлигини таъминлаш, муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришдан корхонларнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаш лозим

архитектуравий лойиҳалаш ва композиция асослари ҳақида тасаввурга эга бўлиши, лойиҳалаш ва композиция усуллари билиши, турли хил график услубларда лойиҳаларни безай олиши, ҳар-хил шакллардан композиция шакллантириш укувиға эга бўлиши лозим;

қурилишда баҳонинг шаклланиши ва уларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар, менежмент асослари;

биноларни сув, канализация, иссиқлик, совутиш ва бошқа муҳандислик тармоқлари ва жиҳозлари ҳақида тасаввурларга эга бўлиши лозим.

Умумқасбий фанлар блоки бўйича:

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

шаҳарсозлик объектлари, ғоялари, муаммолари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши, ландшафт архитектурасининг келиб чиқиши, ҳозирги вақтдаги ривожланиш тенденциялари ва келажак ғоялари, тамойилларини билиши керак;

каламда расм чизишни, уни турли рангларда ифодалай олишни, фазовий-ҳажмий композицияларни ярата олишни, шуларнинг ҳаммасидан лойиҳа эскизини яратишда фойдалана олиши лозим;

санъат, архитектура ва шаҳарсозлик тарихини, тарихий даврларни, асосий барпо этилган шаҳарлар, бино ва иншоотлар, санъат асарларини, рассом, ҳайкалтарош ва архитекторларни билиши лозим;

қурилиш ва архитектуравий конструкциялар ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим;

жамоат ва турар жой бинолари интерьерларини шакллантириш, уларни безаш ва жиҳозлаш укувиға эга бўлиши керак;

бино ва иншоотларни лойиҳаларини бажаришда транспорт, муҳандислик ободонлаштириш, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, газ, электр, вентиляция ва бошқа тармоқларни лойиҳалаш асосларини билиши керак;

иш жойини режалаштириш, лойиҳалаштириш ва ташкил этишга қўйиладиган асосий талабларни билиши;

архитектура назарияси тўғрисидаги билимларни эгаллаши керак;

Ихтисослик фанлар блоки бўйича:

тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва укувларини шакллантириши;

архитектура соҳасидаги бакалаврият таълим йўналишлари бўйича касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

архитектура соҳасидаги бакалаврият таълим йўналишлари бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва укувларини шакллантириши;

Замонавий турар жой ва жамоат бинолари архитектураси;

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши;

тарихий ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта тиклаш;

турар жой, жамоат биноларини ва ландшафт архитектураси объектларини лойиҳалаш, турар жой туманини лойиҳалаш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Қўшимча фанлар блоки бўйича:

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуктаи назарнинг барқарорлигини таъминлаш.

архитектура таълим йўналишларидаги техник-иктисодий фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

архитектура таълим йўналишларидаги ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

ҳажмий-фазовий тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5340100-Архитектура (турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт ярим йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 230 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий ва амалий таълим –	60 %;
аттестация –	7,8 %;
таътил –	15,6 %;
малака амалиёти –	13,9 %;
битирув малакавий иши –	2,6 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Назарий таълим ҳажми “Ишлаб чиқариш ва техник соҳа” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	22,6 %
Умумкасбий фанлар	49,4%
Ихтисослик фанлари	22%
Қўшимча фанлар	6%

**5340100- Архитектура (турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши
бўйича таълим дастурининг тузилиши**

Т.р.	Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	1688
1.01	Фукаролик ҷамияти	94
1.02	Фалсафа	128
1.03	Диншунослик	64
1.04	Ўзбек (рус) тили	150
1.05	Хорижий тил	356
1.06	Жисмоний тарбия ва спорт*	128
1.07	Олий математика	130
1.08	Қурилишда ахборот технологиялари	199
1.09	Компьютерда лойиҳалаш	309
1.10	Архитектуравий физика	130
2.00	Умумқасбий фанлар	3666
2.01	Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси	196
2.02	Архитектура ашёшунослиги	101
2.03	Амалий механика	102
2.04	Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик	392
2.05	Архитектуравий композиция ва лойиҳалаш асослари	551
2.06	Инженерлик геодезия	132
2.07	Архитектуравий конструкция	132
2.08	Қурилиш конструкциялари	132
2.09	Архитектура тарихи ва назарияси	434
2.10	Биоларни муҳандислик жиҳозлаш	102
2.11	Архитектуравий лойиҳалаш	716
2.12	Транспорт ва муҳандислик ободонлаштириш	152
2.13	Қурилиш жараёнлари технологияси, қурилишни ташкил этиш ва ре- жалаштириш	102
2.14	Лойиҳа бошқаруви	102
2.15	Танлов фанлари	320
3.00	Ихтисослик фанлари	1638
3.01	Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш	422
3.02	Интерьер ва жиҳозлаш	202
3.03	Замонавий тураржой ва ҷамоат биолари архитектураси	572
3.04	Шаҳарсозлик ва ландшафт лойиҳалаш	310
3.05	Био ва иншоотлар типологияси	132
4.00	Қўшимча фанлар	460
	Ҷами	7452
	Малакавий амалиёт	1728
	Битирув малакавий иши ҳимояси билан	324
	Аттестациялар	972
	Ҷами	3024
	Ҳаммаси	10476

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), ўқув даври, чизма геометрия, архитектуравий физика, ашёшунослик, муҳандислик тармоқлари ва жихозлари, архитектуравий лойиҳалаш, архитектуравий композиция, архитектуравий графика, санъат, архитектура ва шаҳарсозлик тарихи, бино ва иншоотлар типологияси, архитектуравий конструкция, таъмирлаш ва қайта тиклаш, шаҳарсозлик кодекси, шаҳарсозлик асослари, бош режа, ландшафт архитектураси.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Тошкет архитектура-қурилиш институти

Ректор [Signature] Р.Р.Ҳакимов

2018 йил « 3 » август

М.Ў.



“Ўзинахарсозлик ЛИТИ” ДУК
Директор [Signature] Ғ.Ғ.Маджидов

2018 йил « 3 » август

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта
махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази



Директор [Signature] Б.Ҳ.Раҳимов

2018 йил « 8 » ок

М.Ў.



“Тошгипрогор” ОАЖ
Директор [Signature] Ў.А.Музаффаров

2018 йил « 8 » август

М.Ў.

«Қишлоққурилиш лойиҳа» МЧЖ

Директор [Signature] И.С.Аҳмедов

2018 йил « 8 » август

М.Ў.



Тошкент архитектура-қурилиш институти 5340100-Архитектура (турлари бўйича), 5341000-Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш таълим йўналишлари, 5А340101- Бино ва иншоотлар архитектураси, 5А340102- архитектура тарихи ва назарияси, архитектура ёдгорликларини тиклаш, 5А340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш, 5А340104 – Ландшафтлар архитектураси магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи

Ишчи гуруҳ таркиби

Т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
1	А.Мирисаев	ТАҚИ ўқув ишлари проректори, т.ф.н., доцент.	
Аъзолари:			
2	С.Маҳкамов	ТАҚИ ўқув-услубий бўлими бошлиғи, т.ф.н., доцент.	
3	Ш.Рейимбаев	Архитектура факультети декани, арх.ф.н.,	
4	Б.Матчанов	Архитектура тарихи ва назарияси кафедраси мудири,	
5	М.Қ.Аҳмедов	Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси кафедраси мудири, т.ф.н., доцент	
6	А.Ҳасанов	Архитектуравий лойиҳалаш кафедраси мудири арх.ф.н	
7	Ш.Юнусов	Архитектуравий лойиҳалаш кафедраси докторанти арх.ф.н.	
8	А.М.Умаров	“Aziz projekt” МЧЖ раҳбари арх.ф.н	
9	М.Т.Абдужабборов	Архитектуравий лойиҳалаш кафедраси доценти.	

Ректор



Р.Р. Ҳакимов

М.Ў.

Ўқув ишлари бўйича проректор

А.Ў. Мирисаев

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмоличларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

Т.р.	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)	Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
1.	шифри	номи
	5340100	Архитектура (турлари бўйича) Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак: - архитектура соҳасида шахар ҳудудини таҳлил қилиш, бино ва иншоотлар лойиҳаларини яратиш, транспорт тизимларини лойиҳалаштириш, биноларни қайта таъмирлаш билан боғлиқ мажмуй масалаларни ечиш, ушбу йўналишдаги мутахассисларни тайёрлашдаги инсон фаолияти, усуллари ва услубларининг мажмуасини яратиш; - фан ва техниканинг замонавий ривожланиши шароитларида архитектура соҳасидаги янги билимларни тезкор эгаллаш; - республика ва хорижда чоп этилган архитектура соҳасига оид илмий-техник ахборотларни ва илмий манбаларини ўрганиш, илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш; - интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик ва технологик ютуқлар ҳақида маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш, топиш ва фойдаланиш; - илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш қобилиятига эга бўлиши керак; - бино ва муҳандислик иншоотларини лойиҳалаш, модернизация, шахар ҳудудини ободонлаштириш, транспорт инфраструктураси ва бошқаларни таҳлил этиш ва танлаш; - бажарилаётган лойиҳа-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича инфорацион технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш; - лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш; - амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини

		тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятига эга бўлиши керак. - компьютер графигини қўллаш; - ишчи лойиҳаларни тайёрлаш; - бино ва иншоотлар конструкциясини лойиҳалашда компьютерлардан фойдаланиш; - қурилиш материаллари ва конструкциялари сифатини аниқлаш; - бино ва аҳоли турар-жойлари муҳандислик тизимларини лойиҳалаш; - бинолар, уларнинг юк қўтарувчи ва тўсувчи элементларини лойиҳалаш; - шаҳар аҳолиси сонини ҳисоблашда меҳнат баланси усулидан фойдаланиш; - шаҳар ҳудуди балансини ҳисоблаш; - турар-жой майдони ва хонадонлар сони эҳтиёжини ҳисоблаш; - технологик жараёнларда илмий ишланмалардан фойдаланиш; - лойиҳалашда талаб ва таклифлар назариясидан фойдаланиш; - технологик харита тизимида лойиҳа ҳужжатларидан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши; - айрим конструкцияларни мустаҳкамликка ва чидамлилиқка ҳисоблаш; - техник схемаларни, чизмаларни, эскизларни бажариш ва ўқиш; - конструкция материалнинг умрбоқийлиги ва ишончилигини ошириш; - бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш борасида меъёрий-маъмурий ҳужжатларни тузиш; - шахарсозлик ҳимоя чора-тадбирларини ҳисобга олган ҳолда муҳандислик-шахарсозлик ечимларини техник-иктисодий баҳолаш; - ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши керак. - инновацион ғоялардан фойдаланишга тайёр бўлиш; - илмий манбаларга асосларга ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш ва бошқалар.- иш сифати учун масъулиятни ҳис қилиш, ўз билимлари ва маҳоратларидан сифатни бошқариш бўйича фойдалана олиш; - инновацион ғоялардан фойдаланишга тайёр бўлиш. Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак. Бундан ташқари у: - илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш
2.	5A340101 Био ва иншоотлар архитектураси	

	қобилиятига эга бўлиши; - ечилаётган илмий муаммолар ва топирикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш; - лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавқулдда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш, лойиҳа командасини бошқариш қобилиятига эга бўлиши; - замонавий технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш; - тарихий шаҳарлар, мажмуалар, ёдгорликларни тиклаш ва уларни ҳозирги замон талабларига мослаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш малакаларига эга бўлиши; - архитектуравий ёдгорликларнинг конструктив ечимларини ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш; - мутахассислик бўйича архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиш; - фан ва техниканинг замонавий ривожланиши шартларида соҳага оид инновацион билимларни ўзлаштира олиш; - мамлакатимизда ва чет элда чоп этилган архитектурага оид илмий журналлар ва илмий манбаларини ўрганиш, илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок эта олиш; - интернет тармоғидан фойдалана олиш; - жамоат, турар-жой ва муҳандислик иншоотларини лойиҳалаш, модернизациялаш ва бошқаларни таҳлил қила олиш; - давлат дастурлари доирасида бажарилаётган лойиҳа-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича лойиҳалар бажара олиш; - лойиҳалаш жараёнида компьютер дастурларидан оқилона фойдалана олиш; - бино ва аҳоли турар-жойлари муҳандислик инфраструктурасини ривожлантириш; - маҳаллаларда хонадонлар сони ва турар-жой майдони эҳтиёжини ҳисоблаш; - лойиҳалашда талаб ва тақлифлар назариясидан фойдаланиш; - мураккаб конструктив қурилмаларни мустаҳкамликка ва чидамлилиқка ҳисоблаш; - лойиҳа чизмаларини бажариш ва тушуниш; - объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёнида
--	---

		меъёрий-хукукий ҳужжатларни туза олиш; - ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги бўйича соҳа мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш; - инновацион ва интеграцион гоҳлардан фойдаланиш; - фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш ва лойиҳани бошқариш.
--	--	---

Ўзшаҳарсити ЛИТИ ДУК директори

Бондэройна кидирин институт

“Қазақстан Республикасы” МЧЖ директори

Ғ.Ғ.Маджидов

И.С.Ахмедов



**Тошкент архитектура қурилиш институти 5340100 - Архитектура
(турлари бўйича) таълим йўналишининг малака талабига**

ТАҚРИЗ

5340100- Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналишининг малака талаби Тошкент архитектура қурилиш институти профессор ўқитувчилар томонидан тайёрланган.

Малака талаб белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқилган ва 5340100-Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналишининг бакалавриат таълим йўналиши бўйича бажарилган.

Ушбу малака талаби таълим йўналишини умумий таснифи, қўлланиш соҳалари ва ушбу йўналиши бўйича битирувчиларнинг касбий фаолиятлари тасинфини ўз ичига олади. Малака талаби бакалавриат таълим йўналиши битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ва ўқув режалари тузилмасини ўз ичига олади. 5340100- Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналишининг малака талаби “Ўқув режалар ва дастурлар, фанлар мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда 1- босқич бакалавриат йўналишларининг янги ўқув методик комплексларини яратиш ва уларни таълим жараёнига жорий этиш ва янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш бўйича” чора тадбирлар комплексида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатор” даги таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган малака талабларига мос келади. Бундан ташқари 5340100- Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналишининг малака талабида бакалавриат таълим йўналиш профессор ўқитувчилар таркибига ва моддий техник базасига қўйиладиган умумий талаблар, келтирилган бўлиб, бакалавриатда ўқитилаётган фанлар бўйича юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилишини таъкидлаб ўтилган, ҳамда соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш вазифалари келтирилган.

Умуман олганда 5340100- Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналишининг малака талаби кўрсатиб ўтилган меъёрларга тўла жавоб беради ва уни тасдиқлашга тавсия этаман.

Тошкент шаҳар АЖ
“Ташгипрогор” лойиҳа
Бош архитектори



Ш.Хидоятов

**Тошкент архитектура қурилиш институти профессор-ўқитувчилари
томонидан ишлаб чиқилган 5340100- Архитектура (турлари бўйича)
таълим йўналишининг малака талабига**


ТАҚРИЗ

5340100- Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналишининг малака талаби белгиланган меёрий хужжатлар ва талаблар асосида ишлаб чиқилган. Малака талабида бакалаврият йўналишининг умумий таснифи, ўқув режа ва фан дастуриларининг меёрий муддати, қўлланиш соҳаси, таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи, бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари, бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари, бакалаврларнинг касбий фаолиятларининг турлари, яъни ташкилий-бошқарув, хизмат кўрсатиш, илмий тадқиқот ва ўрта махсус, касб ҳунар таълими муассасаларида педагогик фаолияти бўйича талаблар келтирилган. Ундан ташқари таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари, таълимни давом эттириш имкониятлари, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари, бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ва библиографик маълумотлар келтириб ўтилган.

Ўқув жараёни блоклар нисбатлари анча яхшиланганлиги фанлар сонини блокларга мосланганлиги ва ихтисослик блоки фоизи оширилганлиги мақсадга мувофиқдир.

5340100- Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналишининг малака талаби меёрий хужжатлар асосида бажарилган ва уни тасдиқлаш учун тавсия этилади.

**ТАҚИ “Архитектура тарихи ва назарияси”
кафедраси мудири в.б.доц**



Б.Г.Матчанов

**Тошкент архитектура қурилиш институти 5340100 – Архитектура
(турлари бўйича) таълим йўналишининг малака талабига**

ТАҚРИЗ

5340100 – Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши малака талаби Тошкент архитектура қурилиш институти профессор ўқитувчилар томонидан тайёрланган.

Малака талаб белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқилган ва 5340100 – Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши бакалавриат бўйича бажарилган.

Ушбу малака талаби таълим йўналишини умумий таснифи, қўлланиш соҳалари ва ушбу йўналиши бўйича битирувчиларнинг касбий фаолиятлари тасинфини ўз ичига олади. Малака талаби таълим йўналиши битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ва ўқув режалари тузилмасини ўз ичига олади. 5340100 – Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналиши малака талаби “Ўқув режалар ва дастурлар, фанлар мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда 1- босқич бакалавриат йўналишининг янги ўқув методик комплексларини яратиш ва уларни таълим жараёнига жорий этиш ва янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш бўйича” чора тадбирлар комплексида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатор” даги таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган малака талабларига мос келади. Бундан ташқари 5340100 – Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналишининг малака талабида бакалавриат йўналишининг профессор ўқитувчилар таркибига ва моддий техник базасига қўйиладиган умумий талаблар, келтирилган бўлиб, магистратурада ўқитилаётган фанлар бўйича юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилишини таъкидлаб ўтилган, ҳамда соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш вазифалари келтирилган.

Умуман олганда 5340100 – Архитектура (турлари бўйича) таълим йўналишининг малака талаби кўрсатиб ўтилган меъёрларга тўла жавоб беради ва уни тасдиқлашга тавсия этаман.



МЧЖ "Қишлоққурилишлойиҳа"
Лойиҳа қидирув институти
лойиҳа бош архитектори

арх.ф.н.,проф Т.А.Низамов

Тошкент архитектура қурилиш институти таълим йўналиши бўйича малака талабини ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш

“ ” 201 й.

Биз қуйида имзо қўювчилар—Тошкент архитектура ва қурилиш институти ректори Р.Р.Ҳақимов, АЖ “Ташгипрогор” директори Ў.Ю. Музаффаров, “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК директори Ғ.Ғ.Маджидов Тошкент архитектура ва қурилиш институтида Олий ва ўрта махсус, касб ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ва профессор-ўқитувчилар билан биргаликда “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатор” га мувофиқ **5340100-Архитектура (турлари бўйича)** таълим йўналиши бўйича малака талаби ишлаб чиқиладиганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу ишлаб чиқилган малака талаби мазмунини билан таништириб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

Юқоридаги бакалаврият таълим йўналиши бўйича малака талабининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

Таълим йўналиши бўйича малака талабининг ишлаб чиқилишида: “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарорларида ва ҳар бир таянч ОТМ учун Ҳукумат томонидан чиқарилган Фармон ва қарорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солишчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Таълим йўналиши бўйича малака талаби бакалаврият таълим йўналишлари учун ўқув режалари ва фанлар дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талабини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Тошкент архитектура қурилиш
институти ректори

Р.Р. Ҳақимов

АЖ “Ташгипрогор” директори

Ў.Ю. Музаффаров

“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК директори

Ғ.Ғ.Маджидов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Архитектура ва қурилишнинг олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим
йўналишлари бўйича муассасалараро ўқув-услубий бирлашма йиғилишининг
— сонли

БАЁННОМАСИ

“ _____ ” _____ 2018 йил

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: Бирлашма раиси—Р.Р.Ҳақимов

Аъзолари: Ўқув-услубий бирлашма котиби: “Геодезия ва
кадастр” кафедраси доценти С.А.Тошпўлатов

Ўқув-услубий бирлашма: - ўқув-услубий бирлашманинг 28 нафар
аъзоларидан 25нафари, таклиф этилганлардан 6 нафар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 87-02-1322-сонли хати ижроси таъминлаш мақсадида Тошкент архитектура-қурилиш институти ва турдош ОТМлар мутахассислари томонидан қуйидаги ишлаб чиқилган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

Эшитилди: Ўқув-услубий бирлашма раиси Р.Ҳақимов:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорлари қабул қилинди ҳамда таълим тизимида кенг камровли ислохотлар бошланди. институтда ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 87-02-1322-сонли хатида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ Малака талаблар, ўқув режа ва ўқув адабиётларини хорижий олий таълим муассасалари таълим йўналиш ва мутахассисликлари билан солиштирма таҳлил қилган ҳолда ишлаб чиқилганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳофаза қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган Малака талаблари ва ўқув режалар ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдиришларини сўради.

